



Аллох таолога хамду санолар, Расулимизга салоту саломлар бўлсин!
Куръони Карим ер юзига нозил бўлар экан, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бошлик мусулмонлар уни катта кизикиш билан, бемисл кунт билан ўрганиб, ўзлаштириб бордилар. Куръони Каримни огзаки ва ёзма равишда жамлаб, саклаб бориш вазифаси Расули Акрам (соллаллоху алайхи васаллам)га юклатилган эди. У Зот бунинг учун керак бўлган барча чора-тадбирларни кўриб борардилар. Жумладан, Куръонни ёдлашга, уни бошкаларга ўргатишга таргиб килардилар, буюрардилар. Сахобалари ичидан Куръон кироатига лаёкатли, иктидори бор кишиларни танлаб, улар билан алохида шугулланар эдилар, уларни Куръон ўқишга мохир бўлишга ундардилар.

Хушовоз, тили равон, Куръонни гўзал ўқий оладиган кишиларни Куръон таълимига жалб килиб, уларнинг иктидорини мактар, олқишлар ва улардек умматлари борлигидан шод бўлиб, Аллох таолога хамду санолар айтар эдилар. У Зотнинг таълим-тарбияларини олган сахобаи киромлар хам Куръон таълимига алохида эътибор бердилар. Уларнинг қошида кориларнинг кадри жуда юксак эди. Шу зайлда Ислом уммати ичидан Куръони Каримни калбларида саклаб, кейинги авлодга бекаму кўст етказишга харис бўлган Куръон ошиклари, хофизлари силсиласи узилмай келди ва улар барча даврларда мусулмон уммати тарафидан эъзозу хурматда бўлдилар.

Кейинги даврларга келиб, мусулмонлар ёш авлодни Куръон ўрганишга, уни ёдлашга кизиктириш максатида турли тадбирлар хам ўтказадиган бўлдилар. Жумладан, бизнинг улуг аждодларимиз хам бу борада салмокли ишларни амалга оширганлар. 18-19-асрларда юртимизда хукм юритган хонликлар даврида мадрасаларда Куръон кўриклари ўтказилиб, голиблар бевосита хоннинг совринига сазовор эга бўлишган.

Тошкентда яшаб ўтган, асли андижонлик устоз Абулазиз кори даданнинг айтиб беришича, Бухорода «Мир Араб» мадрасасида хар йили талабалар ўртасида Куръон кўриги ўтказилар ва хакамларнинг талабларига жавоб берган, яъни Куръонни сўралган жойдан адашмай, яхши ўқиб бера олган кориларга соврин бериш билан бирга, бирор савдогар ёки дўкандорнинг ойлик даромадидан 10 фоизини ушбу корининг хисобига ўтказиш хам таъминланган. Бу услубни «дахи дар дах» – «ўндан ўн» деб аташган.

Хива хонлигида хам хар йили мадрасада кориларни кўриқдан ўтказиб, голибга шахсан

хоннинг ўзи бир хум тилла топширган. Ана шундай соврин олган талабаларнинг охиргиларидан бири хивалик Отаниёз кори мадрасадаги юзларча талабалар ичида голиб бўлиб, Мухаммад Рахимхоннинг совринига сазовор бўлган. У киши рус босқини вақтида Киргизистонга кетиб, кочиб яшириниб юрган ва саксонинчи йилларда ўз юртига қайтиб, умрининг охирги йилларини шу ерда ўтказган. Унинг айтишича, ўша олган соврини унга бир умр аскотган экан.

Юртимиз худосизлар тарафидан оёкости қилинган кезлар диний кадрятлар ҳам ер билан яқсон қилинган эди. Куръон мусобакаси ўтказиш у ёқда турсин, хатто калимаи шаходатни айтиш ҳам хатарли бўлиб қолганди. Оддий намоз ўқишнинг ўзи ҳам жиноят саналар эди. Ўн тўрт асрдан бери Ислом динига эътиқод ва амал қилиб келаётган, минглаб забардаст алломаларни етиштирган, беназир авлиёю машойихларнинг бешигини тебратган халқимиз энди мустабид тузум даврида ўз юртида бемалол намоз ўқий олмайдиган, калимасини баралла айта олмайдиган ахволга тушиб қолди. Бу гоётда огир имтиҳон бўлди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, улуғ аждодларимиз ана шундай даврларда ҳам динини, кадрятларини қўлдан бой бермай, соф саклай олдилар ва ниҳоят, Ватан озодлигига эришдилар.

Юртимиз мустақил бўлгач, диний кадрятларимиз аста-секин тиклана бошлади. Биринчи бўлиб қайта йўлга қўйилган улуғ анъаналаримиздан бири Куръон қорилари ўртасида ўтказиладиган мусобака бўлди. 1992 йили Ўрта Осиё ва Козогистон мусулмонлари (Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ўша вақтда шундай номланган) идораси ташаббуси билан Мирза Юсуф масжидида Куръон мусобакаси ўтказилди. Ўшандан бери Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси бошчилигида юртимизда Куръон мусобакаси ўтказиб келинмоқда.

Бугунги кунда Куръон мусобакаси деярли барча мусулмон мамлакатларда турли кўриниш ва кўламларда ўтказилади. Саудия Арабистони, Миср, Эрон, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия каби бир катор давлатларда маҳаллий мусобакалардан ташқари халқаро Куръон мусобакалари ҳам мунтазам равишда ташкил қилиб келинади. Сўнги йилларда Россия мусулмонлари ҳам халқаро Куръон мусобакаси мезбони бўлиш шарафига эга бўлиб туришибди. Бундан ташқари, кўп жойларда ҳадис, фикх ва бошқа илмлар бўйича ҳам мусобакалар уюштирилмоқда. Юртимизда ҳам турли илмий йўналишларда, айниқса, халқаро микёсдаги нуфузли спорт мусобакалари ўтказилади ва уларда юртимизнинг кўплаб фарзандлари қатнашишади.

Мана, бу йил республикамизда Куръон мусобакаси йигирма бешинчи бор ўтказилди. Тадбир шу йил 27 ноябрь куни Тошкентдаги «Қамолон» жомеъ масжидида бўлиб ўтди. Бундай улуғ тадбир динимиздаги гўзал одатлардан бўлиб, Куръони Қаримга буюқ хизмат экани, улкан савобли амаллардан экани кўпчиликка маълум. Шу билан бирга, ушбу ишнинг шаръий фикхий асосини ҳам билиб олиш фойдадан холи бўлмайди, албатта. Бунинг учун эса Ислом шариатида умуман мусобака қилишга, беллашувга қандай муносабат билдирилгани хақида баҳс юритишга тўғри келади. Бугунги кунда Куръон мусобакаси ўтказиш хақидаги саволларга уламоларимиз берган жавобларга назар солсак, уларнинг ҳам бу ишнинг шаръий асоси хақида сўзлаганда мусобака хақидаги умумий диний тушунчалар, асосларга таянганларини кўрамиз. Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, аввал динимизда мусобака қилиш, беллашиш хақида баён қилинган маълумотлар билан танишиб, кейин шундан хулоса чиқарсак, фойдадан холи бўлмаса керак. Ўйлаймизки, бу маълумотлар мусобака хақидаги қарашларимизни янада бойитади, қатъийлаштиради ва мақсадни англаш, қиёслаш олиш уқуви, яъни фикхий

малакаси бор кишилар улардан хар кандай мусобака, жумладан, Куръон мусобакасини ўтказишга оид керакли хулосаларни чиқара биладилар. Шу бахона, яъни Куръон мусобакаси соясида мусобака уюштиришга доир динимиз ҳукмларидан ҳам озми-кўп хардор бўлиб олсак, ажаб эмас.

Шаръий маънога эга танлов ва кўрикларда, хайрли ишларда мусобакалашиш яхши амал экани, Исломда тарғиб килингани хакида умумий сўзлар айтилса-да, хали кўпчилигимиз бу борада илмий маълумотга эга эмасмиз. Бунинг устига баъзан Куръон мусобакалари ўтказишга салбий муносабатдаги кишилар ҳам учраб туради. Уларнинг даъволарича, бунда Куръонни Аллохнинг розилигидан бошқа максатда, яъни олқиш ва совринни кўзлаб ўқиш бор, шунинг учун бу иш дуруст эмас экан. Бундай вазиятда кўтарилаётган масалага оят ҳадислардан, шаръий асосда, илмий равишда бор гапни баён қилиш лозим. Ана шу эътибордан, динимизнинг шу мавзуга доир аҳкомларидан, шариатимиз кўрсатмаларидан ўзимиз ўргана билган айрим маълумотларни кўпчилик эътиборига ҳавола қилишни маъқул топдим. Ўқувчиларни қийнамаслик учун гапни лўндарок қилишга ҳаракат қиламан. Яхшилик бўлса, Роббимиз Аллохдан, хато ва камчиликларни эса бандалик узри деб билгайсиз.

Мусобака хакида сўз борар экан, бу борадаги гаплар асосан икки нукта атрофида айланади:

1. Ислом шариатида ўзаро беллашув ўтказиш мумкинми?
2. Беллашувда голиб бўлганларнинг соврин олиши жоизми?

Ислом инсонийлик дини, ҳаётий дин бўлгани, дунё ва охиратнинг бахт-саодатини қафолатлагани боис, яхшиликка олиб боровчи барча ишларга кенг йўл очиб, тарғиб қилган, ёмонликлардан қайтарган ва инсон манфаатини юқори қўйиб, унинг учун зарарли бўлган, жонига ёки молига зиён келтирадиган барча ишларни тақиқлаган. Бу ҳақиқатни ушбу ўзимиз ўрганаётган мавзу мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ислом шариатида барча иш-амаллар, нарсалар асли ҳалол ҳисобланади, чунки Аллох таоло барча нарсани инсон учун яратганини айтган. Бу эса уларнинг ҳалол, муҳофизат бўлишини такозо этади. Фақат шариат инсоний манфаатларни кўзлаб тақиқлаган, қайтарган иш-амаллар ва нарсаларгина ҳаром ё макруҳдир. Шунга кўра, беллашув ҳам аслида жоиз амал ҳисобланади, модомики унда шариатга ҳилоф иш бўлмаса.

Ислом шариатида тўлақонли манфаатли ишларда кишилар ўртасида беллашув, мусобака ўтказиш нафақат жоиз, балки тарғиб қилинган амаллардан саналади. Бу иш бевосита Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг суннатлари асосида шариатда жорий қилинган.

Имом Бухорий ўзининг «Саҳих»ида «Отлар ўртасида мусобака ўтказиш хакида» деган боб очиб, унда қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам) совутилган отларни Хафёдан

Санийятул-вадоъгача, совутилмаганларини эса Санийядан Бану Зурайк масжидигача чоптиргиздилар. Мен ҳам от чоптирганлар орасида бор эдим».

Суфён: «Хафё билан Санийятул-вадоънинг ораси беш ёки олти мил, Санийя билан Бану Зурайк масжидининг ораси бир мил», деган».

Мил – арабларда узунлик ўлчовининг номи бўлиб, ўртача тўрт минг кадам, пиёда

юрганда ўртача ярим соатлик масофа. Бугунги хисобда эса бир мил 1848 метрга тенг.

Ушбу хадиснинг бошка ривоятларида «мусобака» сўзи очик ишлатилган.

Абдуллох (розияллоху анхумо)дан ривоят килинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам) отлар ўртасида мусобака уюштирдилар. Уларнинг совутилганлари кўйиб юборилар экан, марраси Хафёдан Санийятул вадоъгача бўлди. Совутилмаганларининг марраси эса Санийятул вадоъдан Бану Зурайк масжидигача бўлди. Абдуллох ҳам мусобакалашганлар ичида бор эди».

Анас (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг Азбо деган моялари (урғочи туялари) бор эди. Ундан ўзиб бўлмасди. Бир аъробий тойлок туясида келиб, ундан ўзиб кетди. Мусулмонларга бу огир ботди ва «Азбо ортда колди-да», дейишди. Шунда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Аллох дунёда ниманики кўтарса, уни пастлатиши ҳам барҳақдир», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Салама ибн Акваъ (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам) камон отаётган бир неча асламликларнинг олдидан ўтиб колдилар. Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Отинглар, Исмоилнинг авлодлари, чунки отангиз мерган бўлган. Отинглар, мен Бану Фалон биланман!» дедилар. Гурухлардан бири кўлларини тушириб олишди. Шунда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Сизларга нима бўлди, отмаяпсизлар?» дедилар. Улар: «Сиз улар билан бўлсангиз, кандай отамиз?» дейишди. Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Отинглар, мен ҳаммангиз биланман!» дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким (пойгада) икки отга яна бир отни улардан ортда колиш-колмаслигини билмай туриб кўшса, бу кимор эмас. Лекин улардан ортда колмаслигини билиб туриб кўшса, бу кимордир», дедилар».

Имом Абу Довуд ривояти.

Ушбу хадиси шарифлардан Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ўзлари туя ва отлар ўртасида пойга ўтказганлари, камончилар ўртасида мерганлик мусобакаси уюштирганлари ва бунга доир ҳукмларни баён килганлари маълум бўлади.

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Жуфттуёк, тоқтуёк ва пайкондан бошкада мусобака йўк», дедилар».

Имом Абу Довуд ривояти.

«Жуфттуёк» деганда туя, «тоқтуёк» деганда от, хачир, «пайкон» деганда камон отиш назарда тутилган. Хадисдаги «мусобака йўк» деб айтилган иборани кўпчилик шорихлар, фуқахолар «мусобака килишга арзимади», деб изоҳганлар.

Имом Термизийнинг ривоятида ушбу хадисда биз «мусобака» деб ўгирган «сабко» феъли «сабако» шаклида келади. Бунда сўзнинг маъноси янада аниқлашиб, «мусобака катнашчисига бериладиган соврин»ни англатади. Шунда хадисдан «Жуфттуёк, тоқтуёк ва пайкондан бошка мусобакада соврин бериш йўк», деган маъно келиб чиқади. Айрим уламолар ушбу хадиснинг зохирий маъносини олиб, бунга югуришни ҳам кўшиб, ушбулардан бошка сохаларда мусобака килиш дуруст эмас, дейишган. Аммо Абу Ханифа (рахматуллохи алайх) ва мутааххир уламоларнинг жумхури хадисни кенгрок маънода тушунганлар ва мазкур хадис мисол тарикасида айтилган бўлиб, шу кабилдаги яхши, керакли ишларда мусобака уюштириш жоиз, дейдилар. Улар ўз сўзларига бир неча далиллар ҳам келтирадилар:

1. Мазкур хадиснинг маъноси умумийлигининг далили шуки, унда югуриш бўйича мусобака килиш айтилмаган. Холбуки, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ўзлари Оиша (розияллоху анҳо) билан югуришда мусобака ўйнаганлари, Салама ибн Акваъ (розияллоху анху)ни югуриш мусобакасида катнаштирганлари саҳих хадисларда келган. Агар мазкур хадиснинг зохири олинса, хадислар ўртасида карма-каршилиқ келиб чиқади. Бундан маълум бўладики, хадис мисол тарикасида, маълум вазиятда айтилган.

2. Куръони Каримнинг бир катор оятларида яхшилиқ ишларида мусобакалашишга чакирилган.

«Роббингиздан бўлган магфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, такводорлар учун тайёрлаб кўйилган жаннатга мусобакалашинг».

Оли Имрон сураси, 133 оят.

Мутоффифун сурасида жаннат аҳли ва уларга бериладиган ноз-неъматлар хакида сўз кетганда «Мусобака киладиганлар мана шу учун мусобака килсинлар» (26 оят), дейилган.

Ушбу оятларнинг лафзи умумий бўлиб, биз сўз юритаётган мусобакаларни ҳам ўз ичига олади.

3. Юсуф сурасида Яъқуб (алайхиссалом)нинг ўгиллари шундай дегани келтирилади:

«Отажон, биз Юсуфни матохларимиз олдида колдириб, ўзимиз мусобакалашиб кетган эдик, уни бўри еб кўйибди» (17 оят).

Ушбу оятда буюк пайгамбар Яъқуб (алайхиссалом)нинг ўгиллари ўзаро югуриш мусобакаси ўтказганлари айтилган ва уларнинг бу ишлари танкид килинмаган.

4. Бу каби мусобака ва кўриқлар уюштириш «масолихи мурсала» коидасига кўра мандуб, мустахаб амал саналади.

«Масолихи мурсала» Ислом шариатидаги фикхий ҳукм олиш коидаларидан бири бўлиб, унинг лугавий маъноси «эркин манфаатлар» деган маънони англатади. Истилоҳда эса масолихи мурсала деб шариатда алоҳида эътиборга ҳам олинмаган, бекорга ҳам чиқарилмаган манфаатларга айтилади. Унинг ўзига яраша асослари, шартлари бор.

Ушбу коидага кўра, шариат тасарруфотлари ва мақсадларига мувофиқ келадиган, зараридан фойдаси кўп, кишилар мухтож бўлган манфаатлар шаръий амаллар сирасига киради. Ушбу манфаатларни жалб килувчи омиллар ўша манфаат олган ҳукмни олади. Шунга кўра фукаҳоларимиз айтадиларки, агар юрт, дин химояси каби вожиб ишларнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлса, мусобака ўтказиш вожиб бўлиши ҳам мумкин.

Мусобака ва беллашувлар уюштириш хакида мўътабар фикхий манбаларимизда ҳам керакли ҳукмлар баён килинган.

«Мухитул Бурхоний»нинг «Мусобака фасли»да, жумладан, шундай дейилган:

«Мухаммад (рахматуллохи алайх) айтади: «Отларни мусобакага кўйишнинг зарари йўк, модомики отлар ета олмайдиган маррага кўйилмаса. Бунга далил Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам), Абу Бакр ва Умар (розияллоху анхумо)нинг мусобакалашганларидир. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) икковларидан ҳам ўзиб кетган эдилар. Шунингдек, туя ва камон отишда мусобака килишнинг ҳам зарари йўк».

«Шарху сиярил кабир»да Ибн Шихоб Зухрий (рахматуллохи алайх)дан ривоят килиб, шундай дейилади:

«Мусобака Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг асхоблари ўртасида от-уловда ва пиёда югуришда бўлар эди, чунки гозийлар пиёда кувиш ё кочишни машк килиб, чопишга кийналмайдиган бўлиш учун ўзларини чиниктиришга мухтож бўладилар»

Имом Зайлаъий «Табйинул хакоик»да айтади:

«Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг «Жуфттуёк, тоқтуёк ва пайкондан бошқада мусобака йўк», деган сўзларига кўра, отда, туяда, югуришда ва ўк отишда мусобака килиш жоиз. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) Салама ибн Акваъга пиёда югуришда ҳеч ким ўза олмаган бир ансорий билан мусобакалашишга рухсат берганлар ва Салама ибн Акваъ ўзиб кетган. Зухрий: «Мусобака Расулуллох 9соллаллоху алайхи васаллам)нинг асхоблари ўртасида от-уловда ва пиёда югуришда бўлар эди, чунки гозийлар ўзларини ва отларини чиниктиришга мухтож бўладилар. Кувиб кочишни ўрганиш эса мувоҳидир», дейди».

Абдуррахмон ибн Мухаммад Косим Ханбалий (рахматуллохи алайх) «Ал Ихком»да Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг отлар ўртасида мусобака ўтказганлари хақидаги юқорида зикр килинган саҳих ҳадисларни келтиргач, жумаладан, шундай дейди:

«Ҳадис мусобака килишнинг шаръий эканига ва бунинг беҳуда иш эмаслигига, балки газотдаги мақсадни ҳосил килишга олиб борадиган, жиход учун фойдаси бор мактовга сазовор машқлардан эканига далилдир. Куртубий: «От ва бошқа уловларда, югуришда, шунингдек, ўк отиш ва курол ишлатишда мусобакалашиш жоизлигида ҳеч қандай хилоф йўк, чунки бунда уруш учун машқ килиш бор», деган».

«Дуррул мухтор»да ҳатто маррага етиш қайси хайвонда қандай белгиланиши хақида ҳам сўз боради:

«Марра от бора оладиган жой бўлиши лозим, шунингдек, ҳар икки отнинг ўзиб кетиши эҳтимоли ҳам бор бўлиши керак. Югуриш ва мерганликда ҳам шундай бўлиши лозим. Бунга яхшилаб уқиб ол. «Гурарул афкор»да «Ал Мухаррар»дан нақл қилинади: «Агар мусобака туяда бўлса, унинг ўзгани курагига қараб, отлар ўртасида бўлса, бўйнига қараб эътиборга олинади. Оёқларга қараб бўлади, ҳам дейишади».

Уламоларимиз оят ҳадислардан, шариат асосларидан келиб чиқиб, мусобака жоиз бўлишининг шартларини ҳам баён қилганлар. Бу ҳақдаги маълумотлардан хулоса қилинса, шартлар қуйидагилардан иборат:

– мусобака қилинаётган соҳа ёки иш шариатда ҳаром қилинган амал бўлмаслиги. Шунга кўра, жисмга зарари бор спорт турлари, қондасиз жанг (бои без правил) каби спорт турларида мусобакалашиш жоиз эмас, ҳаром;

– мусобакада гардкам иш бўлмаслиги керак. Шу боис карта, нарда, яширилган нарсани топиш каби ўйинларда мусобака килиш жоиз эмас;

- мусобака вожиб, фарз амалларга монелик килмаслиги ёки бирорта гунохга олиб бормаслиги керак;
- мусобакада беллашувчилардан хар кайсисининг ютиш ютказиш эхтимоли бўлиши. Мисол учун, тулпордаги киши билан хашаки отдаги кишини мусобакага кўйиш жоиз эмас;
- мусобакада беллашувчиларга бериладиган шароит, имконият ва имтиёзларнинг бир хил бўлиши. Масалан, мириладиган улов ёки отиладиган асбобнинг бир турда, сифатда бўлиши;
- маррани ва нишонни аник белгилаш. Мисол учун, ўзимиз ўрганаётган мавзу – Куръон мусобакасида голиблик шартларини, талабларини очик баён қилиш. Токи катнашувчи нима килса голиб бўлади-ю, нима килса, ютказди, олдиндан аник билсин;
- катнашувчиларни тайин қилиб олиш. Мусобака асносида четдан одам кўйиш мумкин эмас;
- хакамларнинг соха мутахассиси бўлишлари ва холис бахолалари, адолатсизлик килмасликлари.

Хайвон уриштириш, уларни бир-бирига кўйиш, нишон қилиб олиш жоиз эмас. Умар (розияллоху анху) одамларнинг кушни нишон қилиб ўк отаётганини кўриб: «Ким шундай килса, Аллох уни лаънатлайди, чунки мен Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг «Жонни нишон қилган кишини Аллох лаънатласин!» деяётганларини эшитганман», деган.

Шунингдек, мусобака жамият ўртасида, одамлар ўртасида адоват, гина-кудурат урчишига, нафрат, парокандалик, тарафкашлик пайдо бўлишига олиб келмаслиги лозим. Акс холда бундай мусобакани уюштириш халол бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ислom шариатида қайтарилмаган ишларда мусобака ўтказиш жоиз. Аскарлик, харбий машқлар, илмий йўналишлар, фарзандларнинг соғлом, чапдаст бўлишини таъминловчи жисмоний тарбия каби жамият учун керакли бўлган сохаларда мусобака уюштириш суннат, мустахаб амалдир. Биргина шарт шуки, мусобака Ислom меъёрлари асосида ўтказилиши керак.

Шу билан бирга, факат ўйин-кулги учун, маълум эзгу мақсадсиз мусобака ўтказиш ҳам яхши эмас, чунки бунда бебахо неъмат бўлмиш умрни беҳуда нарсага сарфлаш, мол-мулкни совуриш, хайрли ишлардан чалгиш бор.

Энди мавзунинг иккинчи нуқтаси – мусобакада соврин кўйиш, соврин олиш хакида сўз.

Имом Ахмад Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилган хадисда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким (пойгада) икки отга яна бир отни улардан ортда қолиш-қолмаслигини билмай туриб кўшса, бу кимор эмас. Лекин улардан ортда қолмаслигини билиб туриб кўшса, бу кимордир», деганлар.

Имом Ахмад ва Байхакий Абу Лабиддан ривоят қилади:

«Бир қуни (Басра хокими) Хакам ибн Айюб отларни мусобакага кўйди. Биз: «Анас ибн Моликнинг олдига борсак бўлар эди», дедик ва унинг олдига бориб, ундан: «Сизлар Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг даврларида мусобакага бирор нарса тикармидинглар?» дедик. У: «Ха. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ўзларининг «Сабха» деган отларига соврин тикканлар. У бошқалардан ўзиб кетган эди, у Зот бундан

шодланиб, хурсанд бўлганлар», деди».

Ушбу хадиси шарифлардан мусобакада голибга соврин бериш жоизлиги келиб чиқади.

Шартлари топилса, мусобакада голиб бўлган кишига соврин беришни барча уламолар билиттифок жоиз дейишган. Аммо бу келишувнинг амал қилиш қуввати хакида фукахоларимиз турлича фикр айтганлар. Шофеъий мазхаби уламолари буни лозим қилувчи кучга эга деб айтишган. Ханафий мазхаби уламоларига кўра эса бу лозим битим хисобланмайди. «Лозим қилувчи кучга эга» дегани ҳукумат, кози тарафидан расмий жорий қилинган, мажбур қилиб, куч ишлатиб бўлса ҳам, ижроси талаб қилинадиган кучга эга битим деганидир. Бошқача қилиб айтганда, қонун билан қафолатланган битим. Ханафий мазхабининг айрим фукахолари ҳам шундай дейишган. Бирок кўпчиликлари бу ваъда шаклидаги битим бўлиб, унда олди-сотди қилишуви йўқ, берувчи совринни тортик маъносида беради, шунинг учун агар бермаса, ваъдага хилоф қилгани, бировни алдагани учун гуноҳкор бўлади, аммо буни кози куч ишлатиб олиб бера олмайди, деб айтишган.

Илмий йўналишларда мусобака уюштириш ва уларда голибларга мукофотлар бериш хакида ҳам қадимги фикрий китобларимизда матнлар бор. Жумладан, бу ҳақда «Канзуд дақоик»да айтилган ва «Дуррул мухтор»да ҳам келтирилган:

«Агар факихлар бирор масалаларда тортишиб қолишса ва отлар хакида сўз юритганда айтганимиздек, тўғри топганга соврин шарт қилинса ва бу соврин икки тарафдан бўлмаса, жоиз. Чунки иккала (харбий ва илмий) соҳадаги билим ҳам диннинг қувватига, Аллоҳнинг сўзини олий қилишга бориб такалади. Мусобака бобидаги мазкур жоизликдан мурод – ҳалолликдир, ҳақдорлик эмас. Мисол учун, агар мағлуб совринни бермаса, кози уни мажбур қила олмайди, «берасан» деб ҳукм чиқара олмайди».

Мусобакада соврин беришнинг тўрт кўриниши бор бўлиб, улардан биттаси ҳаром, учтаси ҳалол:

1. Совринни қатнашувчилар эмас, балки ташқаридаги киши беради. Мисол учун, подшоҳ, ҳоким ва бошқа ҳар қандай учинчи шахс. «Қим голиб бўлса, унга шунча мукофот», дейди ва голибга ўша ваъда қилинган нарсани беради. Бу – жоиз.

2. Мусобақалашаётган тарафлардан бири иккинчисига беради. Масалан, «Агар ютсанг, мунча мукофот бераман, аммо ютказсанг, сен менга ҳеч нарса бермайсан», дейди. Бу ҳам – жоиз.

3. Икки тараф пул тикади-ю, учинчи, ҳалолловчи одам ўртага қиради. Бунинг сурати қуйидагича: Икки киши ўртага пул қўяди ва мусобақага учинчи шахсни ҳам қорлаб, унга «Агар сен ютсанг, мана бу биз тиккан пул сеники, аммо биздан бирортамиз ютса, мукофотни ўша олади, сен ҳеч нарса бермайсан, яъни ютказмайсан», дейишади. Шунда агар мазкур соврин тиккан тарафлардан бири ютиб, совринни олса, жоиз.

4. Икки тараф бир бирига мукофот тикади. «Агар сен ютсанг, менга фалон нарса берасан, мен ютсам, пистон нарса бераман», деб айтса, бу қимор бўлади ва ҳаром саналади.

Мусобакада бериладиган мукофот олувчига ҳалол бўлиши учун бир қатор шартлар топилиши лозим:

1. Аввало мусобака шаръан жоиз бўлиши, яъни унинг шартлари топилиши: шариатга

хилоф ва гардкам иш бўлмаслиги; беллашувчиларнинг шароит ва имкониятлари тенг бўлиб, хар кайсисининг ютиш эҳтимоли бўлиши; голиблик шартлари аник бўлиши; катнашувчилар тайин бўлиши ва хукм адолатли бўлиши керак. Акс холда мусобакадан тушган соврин халол бўлмайди;

2. Мусобака ўтказилаётган соҳа жамият учун керакли, зарур бўлиши лозим. Бехуда ишларда, ўйин-кулгиларда, динга, жамиятга, халкка манфаати бўлмаган соҳаларда ташкил қилинган мусобакаларда соврин бериш ва олиш жоиз эмас, чунки бу молни совуришдир. Айникса, мукофот халкнинг хазинасидан бўлса, бу бошқаларнинг ҳаққини поймол қилиш, унга хиёнат қилиш ҳисобланади. Шу боис, бундай мусобакаларда берилган соврин олувчига дуруст бўлмайди;

3. Совриннинг сифати, ҳажми маълум ва ўзи мувоҳ, олди-сотдига ярокли нарса бўлиши. Агар шундай бўлмаса, низо чиқиши, мусулмон кишига мулк бўлмайдиган ҳаром нарса бўлса, бу унинг учун алдов бўлиши мумкин;

4. Мукофотнинг учинчи шахс ёки икки тарафдан бири томонидан берилиши. Агар иккала тараф бир бирига соврин беришга келишса, бу кимор бўлиб қолади;

5. Мусобаканинг фақат одамлар ўртасида бўлиши. Хайвонларнинг ўртасида мусобака ўтказиб, пул олиш мумкин эмас, чунки бунда кимор ҳолати бор.

Хулоса қилиб айтганда, эл-юрт учун керакли бўлган соҳаларни ривожлантириш, юксалтириш мақсадида уюштирилаётган мусобакаларда, илмий йўналишларда, жумладан, Куръон мусобакасида голибларга соврин бериш жоиз, савобли улуг амаллардандир. Шарт – совринни бериш халол суратда бўлиши, мусобака ҳам халол бўлиши керак.

Фикхий манбаларимизда мусобака хакида айтилган умумий қоидалар асосан шулардан иборат. Уларнинг хар биридан Куръон мусобакасини ўтказишга доир нимадир хукм ё йўриқ олиш мумкин. Фақат чўзилмасин учун батафсил тўхтай олмадик. Аммо улардан умумий равишда хулоса чиқарганда шу нарса маълум бўладики, Куръони Қарим мусобакасини ўтказиш жоиз, мустаҳаб, ўрни келса, вожиб амал бўлиши мумкин. Исломи динининг умумий қоидалари, шариат талаблари бунга далолат қилади. Шу билан бирга, ундан кўзланган мақсад ва фойдалар ҳам шуни такозо қилади.

Куръони Қарим мусобакасини ўтказишда қуйидаги мақсад ва манфаатлар бор:

Куръон хакида кишиларга билим таратиш;

Куръонга кизиқиш уйғотиш, қориларни, мусулмон авлодни Куръонга кизиқтириш; меҳнат қилган, иқтидорли қориларни тақдирлаш, уларни танитиб, олқишлаш;

Куръон қориларининг сифати ва сонини ошириш, савияларини юксалтириш;

юрт ва халқни дунёга танитиш, обрўсини кўтариш.

Қуни кеча бўлиб ўтган Куръон мусобакасида ҳам ушбу манфаатлар бўй кўрсатди десак, хато бўлмаса керак. Шўқрлар бўлсинки, бу қутлуг тадбир хар йили тақрорланаётган анъанага айланиб ургурди. Бунинг натижаси ўларок, қориларимизнинг билим ва тажрибалари ортиб бормокда ва халқнинг Куръони Қаримга бўлган маърифати, кизиқиши юксалмокда. Тан олиш керак, мусобакани ўтказиш ва ташкиллаштириш ишларида ҳам йилдан-йилга анчагина ўсиш бор. Шу билан бирга, яна бир мунча қилиш керак бўлган ишлар борки, агар улар ҳам амалга оширилса, мусобакани янада юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтказиш мумкин. Мисол учун, йўналишлар номини «хифз» ва «кироат» деб номлаш, баҳолаш тартибини қайта ишлаб, мукаммаллаштириш, ҳақамларни

ихтисосларига кўра таксимлаш в.х. Бу каби ислохотлар мусобаканинг ва ундан кутилган натижаларнинг самардорлигини оширади, албатта. Хусусан, кориларимизнинг чет эл мусобакаларидаги иштироклари савиясини ҳам юксалтиради ва юкори натижаларни кўлга киритишларини таъминлайди.

Аллох таолодан жонажон Ватанимизга кўзмунчокдек ярашиб турган ушбу муборак тадбирни хамиша бардавом ва сифати ортиб боришини, юртимиз, элимизга манфаати янада кўп бўлишини сўраб қоламиз. Ушбу бахсдаги камчиликлар учун Роббимиздан магфират сўрайман ва сиз азизлардан маъзур тутишингизни умид қиламан.

Хасанхон Яхё Абдулмажид